

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

821 Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида» 1994 йил 26 январдаги 38-сон қарорига қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Махсус авария-тиклаш бошқармаси оддий аскарлари ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи ҳарбий хизматчиларнинг ҳимояланганлигини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий суғуртаси тўғрисида» 1994 йил 26 январдаги 38-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1-сон, 6-модда) иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

вазири вазифасини бажарувчи Ш.Х. Шерматов зиммасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Маданият, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаментига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 11 август,
611-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил 11 августдаги 611-сон қарорига
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий хизматчилар ва ҳарбий
мажбуриятли шахсларнинг, оддий аскарлар ҳамда бошлиқлар
таркибига кирувчи шахсларнинг давлат мажбурий шахсий
суғуртаси тўғрисида» 1994 йил 26 январдаги 38-сон
қарорига киритилаётган қўшимчалар**

1. 1-бандда:

а) иккинчи хатбошига «Фавқулодда вазиятлар вазирлигига» сўзларидан кейин «ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига» сўзлари қўшилсин;

б) учинчи хатбошига «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» сўзларидан кейин «ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари қўшилсин.

2. 4²-банднинг иккинчи хатбошига «Фавқулодда вазиятлар вазирлиги» сўзларидан кейин «ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги» сўзлари қўшилсин.